
“ҚЎҚОН” ЭИЗ ҲУДУДИДА БУГУН ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАН “AVILON TEXTILE” КОРХОНАСИДА ЙИЛЛИК 4 МИНГ ТОННА ХОМ МАТО ТЎҚИШ ВА 3,5 МИНГ ТОННА МАТО БЎЯШ ҚУВВАТИ ЯРАТИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров “Қўқон” ЭИЗ ҳудудида бугунги фойдаланишга топширилган учинчи корхона – “Aviron Textile”нинг тантанали очилиш тадбирида ҳам иштирок этди.

Тадбиркор Аваз Абдурахимов ташаббуси билан қуриб фойдаланишга топширилган корхонада трикотаж матоларини тўқиш ва бўяш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2 миллион доллар банк кредити ҳамда 19,3 млрд. сўм тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳисобига яқунланган мазкур лойиҳа натижасида йиллик 4 минг тонна хом мато тўқиш ва 3,5 минг тонна мато бўяш қуввати яратилди. 200 дан ортиқ маҳаллий ёшлар, асосан хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлдилар.

“Aviron Kokand Plus” муассислигидаги ушбу корхонада йиллик ишлаб чиқариладиган 235 млрд. сўмлик маҳсулотнинг қарийб 8 млн. долларлик қисми хорижга экспорт қилиниши бўйича келишувлар мавжуд.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-23 18:06:58